



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Nov., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

ИЖТИМОЙ АДОЛАТНИ ТАЪМИНЛАШ ИЖТИМОЙ ДАВЛАТНИНГ БОШ ФУНКЦИЯСИ СИФАТИДА

Атавуллаев Миркомил Аҳмадович

Ўзбекистон Миллий университети доценти

Аннотация

Ушбу мақолада ижтимоий адолат идеал давлат барпо этишнинг асосий хусусиятларидан бири эканлиг, ижтимоий адолат ҳақида фикр юритиш, уни таъминлаш устида бош қотириш, ижтимоий адолатни таъминлаш масалалари фалсафий-хуқуқий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: адолат, ижтимоий адолат, идеал давлат, қонун, тирания, демократия, аристократия, концепция, утопия.

Обеспечение социальной справедливости как главная функция государства всеобщего благосостояния

Аннотация

В данной статье философско-правовое исследование рассматривается вопрос о том, что социальная справедливость является одной из основных характеристик построения идеального государства, рассуждения о социальной справедливости, головоломки по ее обеспечению, вопросы обеспечения социальной справедливости.

Ключевые слова: справедливость, социальная справедливость, идеальное государство, закон, тирания, демократия, аристократия, концепция, утопия.

The provision of social justice as the chief function of the social state

Annotation

In this article, social justice is one of the main features of building an ideal state, thinking about social justice, nodding on its provision, issues of ensuring social justice are studied philosophically and legally.

Keywords: justice, social justice, ideal state, law, tyranny, democracy, aristocracy, concept, utopia.

Ижтимоий адолат идеал давлат барпо этишнинг асосий хусусиятларидан бири саналади. Кишилик жамияти тарихи кўрсатадики, ижтимоий адолат ҳақида



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Nov., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

фикр юритмаган, уни таъминлаш устида бош қотирмаган давр, мутафаккир, киши топилмайди. Ижтимоий адолатни таъминлаш масалалари фалсафий-хукуқий тадқиқотларда ҳам тилга олинадиган мавзудир. Мавзу қанчалик қадимий бўлса да, унга бўлган қизиқиш ва эҳтиёж ижтимоий онг, ижтимоий муносабатлар ҳамда давлатчиликка оид тадқиқотларда муҳокамадан тушиб қолмаган. Ҳар бир давр ва ҳар бир давлат ундан ўзига мувофиқ жиҳатларни қидирган, ижтимоий адолатнинг янги янги қирраларини кашф этган. Ижтимоий давлат эса ижтимоий адолатни таъминлашни ўзининг бош мақсади, вазифасига айлантирган. Шунинг учун ижтимоий давлатнинг асосий функционал хусусиятларини ўрганиш ижтимоий адолатни таъминлаш имкониятларини аниқлаш ва очиб беришдан бошланиши зарур. “Адолат” ва “ижтимоий адолат” фалсафий ахлоқий тушунчалар сифатида Суқрот давридан бери муҳокама қилиб келинади. Уларга бағищланган баҳс, мунозара ва дискурсларнинг сони саноғи йўқ. Уларни таҳлил қилиш ва бошқача талқин ёки илмий концепцияни илгари суриш бизнинг вазифамиз эмас. Аммо уларнинг ижтимоий давлат концепциясини шакллантириш, унинг идеал моделини реал моделга олиб чиқиши имкониятларини аниқлаш учун зарур фалсафий-хукуқий жиҳатларини очиб бериш муҳимдир. Суқротнинг Фрасимах билан баҳси мавзумиз учун бетакрор манба бўлиши мумкин. ўз фикрларига маҳлиё Фрасимах давлат бошқарувининг тирания, демократия ва аристократия шакллари борлигини қайд этади. Суқрот бу фикрга, классификацияга эътиroz билдирамайди, уни қабул қиласди. Кейин Фрасимах, “ҳар бир давлатда ким ҳокимият тегасида бўлса, у кучга эга” дейди. Бу фикрга ҳам Суқрот эътиroz билдирамайди, уни тасдиқлади. Ким ҳокимият терпасида бўлса у ўзига зарур қонунларни ўрнатади, дейди Фрасимах. Унинг фикрича, “демократлар демократик қонунларни, тиранлар тиранияга оид қонунларни, ва бошқалар ҳам шу тарзда ўзига маъқул қонунларни ўрнатади ушбу қонунларни ўрнатганлар кучлилар уларни адолатли биладилар ва уларни бузганларни адолатни бузганлар сифатида жазолайдилар. Барча давлатларда ҳокимиятга эга кишилар ўзларига мувофиқ қонунларни адолатли деб биладилар. Барча давлатларда мавжуд ҳокимиятга фойдали нарсалар адолатлидир”[1]. Фрасимах фикрларига қўшилган Суқроқ унинг “кучлилар” деган сўзини билмаслигини айтади. Кейин Фрасимах “кучлилар” деган қонунлар қабул қиласидиганларни билдиради ва улар қабул қиласидиган қонунлар қолганлар учун адолат сифатида қабул қилишини билдиради. Гоҳо





Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Nov., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

“адолатсизик адолатдан кучли” деган хulosани билдиради. Бу ўринда, иккин нарсаны эътиборга олиш даркор. Биринчидан, қонунларни бошқариш органлари, хукуматдагилар қабул қиласи. Бу қонунларни қабул қилишда қатнашадиган халқ вакиллари халқ иродасини ифода этади, дейиш қийин. “Халқ иродаси” сўзининг ўзи мавхум тушунчадир. Ушбу мавхум тушунчани қонунларга сингдиришни тасаввур қилиб бўлмайди, амалда мумкин эмас. Демак, қонунлар халқ иродасини ифода этади, дейиш “адолат”ни ҳам сўз ўйинига айлантиради. Қонунларни қабул қиласиганлар эса қонунлар ишлаб чиқишида ўзининг ёки ўзи мансуб гурухларнинг, партиянинг манфаатларини ифода этадилар. Бу табиий жараёндир. “Кучлилар” қабул қиласиган қонунлар адолатни эмас, балки ўзи ёки ўзининг гурухи, партияси манфаатларига мувофиқ келадиган, адолатли деб биладиган тартибларни ўрнатадилар. Бу тартиблар халқ иродасини ифода этавермаслиги одатий ҳолдир. Иккинчидан, қонунларни адолатга айнанлаштириш бир томонлама, тор ёндашувдир. Халқ иродасини ифода этадиган адолат қонунлар доирасига сифмайди, улар қонунлардан кенг, шунинг учун уларни қонунлар билан чеклаш мумкин эмас. Бу ўринда ахлоқий меъёрлар, урф одат ва анъаналар биринчи ўринга чиқади, улар, табиий равишда, қонунлар доирасини кенгайтиради ёки уларни умуман рад этиши мумкин. Сукрот қонунларнинг адолатли бўлишини ана шу ахлоқий меъёрлар орқали баҳолашга интилади. У адолатни “эзгу амал ва доноликда” кўради[1]. Эзгу амал барчага мос, аммо доноликни барчадан талаб қилиб бўлмайди. Чамаси, Сукрот “донолик” деганда ақлу идрокка бўйсунишни назарда тутган, бу тарзда “эзгу амал ва донолик” барчага мос фазилатдир. Демак, эзгу амалли ва доно жамиятда адолат муқаррардир. Сукрот адолатнинг барча даврлар ва давлатлар учун долзарб бўлган, ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаган фалсафий - ҳуқуқий масалаларини муҳокама қиласи. Масалан, унинг фикрича, адолатстизлик кшилар ўртасида келишмовчилик, нафрат ва низоларни, адолат эса ҳамжиҳатлик ва дўстликни келтириб чиқаради[1]. Давлат адолатли бўлганида кишилар ўртасидаги иноқликни, дўстлик ва ўзаро ҳамкорликни таъминлаш муаммога айланмайди, агар адолатстизлик мавжуд бўлса, бундай давлатда келишмовчилик, низо, бир биридан ўч олиш, нафрат ва бир бирига ишонмаслик каби деструктив хатти ҳаракатлар авж олади. Сукротнинг фикр мулоҳазаларидан келиб чиқадиган асосий хulosса шундаки, адолатни ўрнатган давлатда кишилар ўртасида ҳамжиҳатлик ва дўстлик мавжуд бўлади, бундай жамиятда кишилар бир



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Nov., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

бирларига, айниқса давлатга, унинг сиёсий институтларирига ишонадилар, адолатсизлик юзага келганида эса жамиятда ахиллик йўқолади. Демак, давлат билан халқ ўртасидаги бир бирига ишонч, ҳамкорлик ва дўстона муносабатларнинг шаклланиши адолат тамойилларининг таъминланишига боғлиқдир. Шунга яқин фалсафий - хуқуқий ва ахлоқий ёндашувни биз “Авесто”да ҳам учратамиз. Мутахассисларнинг таъкидлашича, “Авесто”да давлатчилик адолат тамойиллари ва адолатли бошқарув билан уйғун келади. Зардўштийлар китобида давлатчиликнинг шаклланиши уч босқичга бўлинади: “биринчи энг қадимий даврдаги ҳаётда адолат ва инсоний баҳт саодат хукмрон бўлган; иккинчи даврда эзгулик ва ёвузлик руҳлари ўртасида адолат учун кураш давом этган; учинчи даврда ақл идрок, адолат тантана қилган. “Авесто” яхшилиқдан таълим бериб, унга садоқатли бўлиб, яхши ҳокимлар хукм юритаверсинлар. Одамларга ва уларнинг авлодларига баҳт саодат келтирадиган адолатли қонунларни жорий қилсинлар ва амалга оширсинлар, деган таъкиди бежиз эмас”[2]. Адолатли давлат ва адолатли бошқариш ҳақида Шарқ мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Ар Розий, Ибн Рушд, Насриддин Тусий, Алишер Навоий, Бобур, Аҳмад До ниш, Ас Самарқандий ҳам қимматли фикрлар билдиришган. Улар адолатни шоҳ, унинг фазилатлари, раиятга муносабатлари ва ахлоқий фазилатлари билан боғлашади. Ахлоқийлик ва адолат тамойиллари уйғун келади. Давлат бошқарувини ахлоқийлик билан боғлаш Шарқ сиёсий фалсафаси ва кратологиясида анъанадир. Ижтимоий давлат ушбу анъаналарни замонавий қарашлар билан уйғулаштириши зарур, чунки давлат раҳбарининг ахлоқий фазилатлари, адолатли иш юритиши ҳали адолатли давлат, адолатли бошқарувнинг ўрнатилганини билдиримайди. Тўғри, мамлакатни адолатли бошқаришда давлат раҳбарининг ахлоқий фазилатлари,. адолатли бошқаруви муҳим ўрин тутади, аммо замонавий жамиятларда бошқариш субъекти фақат давлат бошлиғи эмас. Фуқаролик жамияти институтлари, парламент, маҳаллий бошқув органлари, ўзини ўзи бошқариш институтлари, корпорация ва трансмиллий уюшмалар каби демократик бирлашмалар ўз манфаатлари орқали давлат бошқарувига таъсир этади, унинг тактикасини ўзгартириб, давр талабларига мослаштириб туради. Ижтимоий давлат ушбу реалликни, бошқаришга плюралистик ёндашувни ҳисобга олади, турли манфаатларни уйғулаштириш орқали демократизм ва конституционализмни таъминлайди.

Ижтимоий адолат бошқа ижтимоий воқеликлар,



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Nov., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

айниқса ижтимоий ҳимоя, ижтимоий тенглик ва ижтимоий ҳамкорлик кабилар билан уйғун келади, соф ижтимоий адолат мумкин эмас. Бироқ илмий мақсад нұқтаи назаридан уларни алоҳида ўрганиш, ички хусусиятларини алоҳида воқеликлар сифатида тадқиқ этиш мумкин. Бу эса ижтимоий давлатда ижтимоий адолатни таъминлашнинг асосий қонуниятлари ва механизмлари нималардан иборат бўлади, деган саволни кун тартибига қўяди.

Илмий ва фалсафий - хукуқий, этикологик адабиётларни ўрганиш (Қаранг:

дан маълум бўладики, адолат ва ижтимоий адолатни таъминлашнинг қўйидаги қонуниятлари ва механизмлари мавжуд: 1)

адолат инсон мавжудлигининг, ўй хаёлларининг, орзусининг таркибий қисмидир; 2)

ижтимоий адолат жамиятда тенглик ва мувозанат ифодасидир; 3)

ижтимоий адолат гўзал ва олийжаноб маънавий ахлоқий қадрият;

4)ижтимоий адолат идеал жамият барпо этиш ҳақидаги мафтункор утопия;

5) ҳар кимнинг ўз адолати ёки ижтимоий адолат ҳақидаги тасаввурлари бор; 6)ижтимоий

адолатни ўрнатиш, таъминлаш мумкин. Инсондаги ўй, хаёл, фантазия бир он ҳам уни тинч қолдирмайди. Аслида у ушбу хислатлари билан ўзини тирик ва онгли мавжудот эканини тасдиқлайди. Адолат ва ижтимоий адолатни таъминлаш азалдан кишиларнинг орзуси сифатида уларнинг ўй хёллари, ҳатто фантазиясининг ифодаси бўлиб келади. Утопия адолатнинг ёки ижтимоий адолатни ўрнатишнинг атрибути сифатида мавжуд. Уларнинг ўй хаёл олами билан боғлиқлиги инсон интилишларига, адолатли жамият барпо этиш орзуларига қувват беради. Шу нұқтаи назардан адолат ҳақидаги ўй хаёллар, орзулар инсон қалбидан барқарор воқелик сифатида жой олган. Аристотель барқарор ва ўткинчи нарсалар ҳақида мулоҳазалар юрита туриб, адолатни барқарор воқелик эканини таъкидлайди[3]. У адолат ва адолатсизлик, кам адолатли ва кўп адолатли (бу ҳам файласуфнинг гуруҳлашидир) инсон ўй хаёлидан чукур жой олган, улар воқелик сифатида антиномик тушунчалардир, деб қайд қиласи. Аристотель таъкидига кўра, адолат ёки адолатсизлик воқеликнинг сифат кўрсаткичи, белгисидир. Аммо бу адолат ҳақидаги тасаввурларнинг ўй, хаёл ва фантазия маҳсули сифатида



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Nov., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

келишини рад қилмайды. Файласуфнинг ўзи “адолат инсоннинг руҳида, қалбида мавжуд”, деб таъкидлайди[3].

Адолат ва ижтимоий адолатни таъминлаш ҳақидаги ўй хаёллар, орзулар ижтимоий давлат ҳақидаги фикрлардан аввал келади. Ўй хаёллар ва орзуларнинг бирламчи экани уларнинг ижтимоий давлат ҳақидаги фикрларда, концепцияларда акс этишини шарт қилиб қўяди. Шунинг учун ижтимоий давлатга оид фикрларда, концепцияларда утопия элементлари бўлиши табиий ҳолдир. Масалан, яратилган неъматлар ва бойликларни тенг тақсимлаш тамоилини олайлик. Капиталистик муносабатлар устувор, бозор иқтисодиёти талаб этадиган хусусий мулк ва бойлик орттириш одатий ҳолга айланган шароитда яратилган неъматлар ва бойликларни жамият аъзолари ўртасида тенг тақсимлаш мумкинми? Бу орзу, утопия эмасми? Лекин шундай бўлса да, ижтимоий давлат концепциясининг ихтирочилари мазкур утопияни реал воқеликка айлантириш мумкинлигига ишонадилар. Демак, ижтимоий давлат ҳақидаги фикр ва концепцияларда утопия элементлари бўлади. Йирик ўзгаришларга журъат этган субъект маълум бир утопияга берилемаслиги мумкин эмас. аммо бу утопия ғайриинсоний ва ғайритараққий хусусиятга эга бўлмаслиги, жамиятни, кишиларни гўзал ва олийжаноб мақсадлар билан яашашга ундаши зарур. Агар шундай мақсад концепцияларга ва ислоҳотларга сингдирилган бўлса улардаги утопияни англаш, ҳатто қўллаб қувватлаш мумкин.

Ижтимоий

адолат жамиятда ижтимоий тенглик ва ижтимоий мувозанат таъминлаш тамоилили сифатида келади. Ижтимоий адолатнинг икки хусусий ва умумий кўринишлари бор. Илмий тадқиқотларда адолатнинг икки тақсимлаш ёки дистрибутив адолат ва тенгликни таъминлаш ёки ретрибутив адолат кўринишлари мавжудлиги кўрсатилади[4]. Хусусий кўринишдаги адолат ҳар бир кишининг ўй хаёли ва орзулари билан боғлиқ, индивидуал хусусиятга эга, тор маънодаги субъектив воқеликдир. Утопияга, фантазияга берилиш, келажагини хаёлий моделлар орқали ифодалаш инсонга хос фазилатdir. Ижтимоий адолатни кишилар гоҳо ана шу тасаввурларига мувофиқ воқелик тарзида тушунадилар. Индивидуаллик ижтимоий адолатнинг умумий (ижтимоий) кўринишига баъзан зид келади. Бу қисм билан бутун, хусусий билан ижтимоий воқеликлар ўртасидаги зиддиятлар, қарама қарши ёндашувлар маҳсулидир. Ижтимоий давлатда эса ушбу зиддият, қарама қаршилик иложи борича кам бўлади. Шунинг учун ҳам ижтимоий давлат



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Nov., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

жамиятда ижтимоий мувозанатни таъминлашни ўзининг асосий вазифаларидан бири ҳисоблайди. Ижтимоий давлатда ижтимоий тенглик қандайdir ўрта қўрсаткич орқали таъминланади, унда бой, бадавлат ҳам, йўқсил, қашшоқ ҳам бўлмайди, деб тушунмаслик зарур. Бизнинг фикримизча, ижтимоий тенглик барчага ҳам ҳукуқий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий тенг имкониятлар яратиб беришни англатади. Ушбу имкониятлардан фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг ихтиёридадир. Бой, бадавлат яшаш тақиқланмайди, балки, аксинча, кишиларнинг фаровон яшashi қўллаб қувватланади. Қашшоқ, камбағал яшаш ҳам шахснинг ҳукуқидир. Шунинг учун ижтимоий давлат ҳам фуқаросининг маълум бир ўртacha қўrсаткич даражасида яшashi учун зарур шарт шароитларни яратиб беради. Бу ўrта қўrсаткич қандай бўлади, қандай параметрлардан ташкил топади, деган саволларга жавоб топиш учун маҳсус илмий изланишлар ўтказилиши даркор. АҚШ ва Европа давлатларида бу борада маълум бир изланишлар ўтказилган, тавсиялар ишлаб чиқилган, уларни ўрганиш, миллий давлат тажрибаларига тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Шуни эсда тутиш лозимки, ижтимоий тенглик ва ижтимоий мувозанатни таъминлаш, большевиклар қилганидек, “эксплуататорларни экспроприация қилиш” тарзида амалга оширилмаслиги керак. Жамиятда айrim шахсларнинг ҳаддан ташқари бойиб кетиш эҳтимоли мудом мавжуд бўлади. Бозор иқтисодиёти ижтимоий тенглик ғоясини ёқтирмайди, у рақобат, ким ўзди тарфдоридир. Инсоннинг барча фаолиятини, хатти ҳаракатларини наф кўриш, фойда олишга йўналтиради, бу эса жамиятда синфий табақаланишни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ижтимоий давлатда синфий табақаланиш бўлмаслигига қаратилган сиёsat олиб борилади. Адолат гўзал ва олийжаноб маънавий ахлоқий қадриятдир. Халқ адолатга мурожаат этганида аввало маънавий ахлоқий нормаларнинг детерминистик таъсирига ишонади. Бу жараёнда у адолатнинг гўзал ва олийжаноб маънавий ахлоқий қадрият деб тасаввур этади. Умуман, Шарқ фалсафасида, маънавий ахлоқий қарашларида адолатни гўзал ва олийжаноб маънавий ахлоқий қадрият сифатида талқин қилиш Конфуций давридан бери мавжуд. Хитой донишмандининг фикрига кўра, инсондаги ибратли фазилат, унинг “адолат хақида ўйлашидир”[5]. У адолатни эзгулик, тўғрилик, олийжаноблик, ҳақиқат, инсонпарварлик каби маънавий ахлоқий воқеликлар орқали таҳлил қиласи. Конфуций шогирди ва издоши Мао цзи эса “Адолат Осмон остидаги энг қимматли нарса”, адолатга эришиш йўли кишиларга ўз

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Nov., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com



эҳтиёжларига мувофиқ келадиган иш, амал, машғулот бериш, шу тарзда уларда ахлоқий фазилатларни шакллантириш мумкин, дейди[5]. “Фақат меҳр муҳаббат адолатлидир” деган ғоя Мао цзи фалсафаси ва этикасининг асоси ҳисобланади. “Осмон, дейди у, адолатни севади ва адолатсизликни яхши кўрмайди. Агар кишилар адолатли иш қилсалар Осмон ёқтирган нарсани қилган бўлади. Агар мен Осмон ёқтирган нарсани қилсам, у ҳам мен ёқтирган нарсани қиласди. Мен нимани яхши кўраман ва нимани ёқтиромайман? Мен баҳт ва фаровонликни севаман, баҳстсизликни ёмон кўраман. Адолат эзгу амал, ахлоқий фазилатdir”[5].

Ижтимоий давлат жамият аъзоларида адолат туйғуси билан бирга юксак ахлоқий фазилатларни ҳам тарбиялашни назарда тутади. Давлатнинг адолатли бўлиши кишиларда гўзал ва олийжаноб фазилатларни ҳам тарбиялаши демакдир. Бу ўринда адолат тамойилларининг инсон ўйлари, хатти ҳаракатлари ва ахлоқига ҳам ижобий таъсири этиши намоён бўлади. Ижтимоий давлат адолатли фаолияти ва адолатли бошқаруви орқали жамиятда гуманистик қадриятларнинг, юксак ахлоқий нормаларнинг шаклланишига эришади.

Ижтимоий давлат, шу жумладан, ижтимоий адолат ҳам, идеал жамият барпо этиш ҳақидаги мафтункор утопия билан бурканган. Мафтункор утопия инсоннинг ўй хаёллари, орзулари ифодаси сифатида унинг келажак ҳаёт, борлиқ ҳақидаги тасаввурларини безайди, унга идеал модел яратишга имкон беради. Агар идеал моделда инсон хаёлини чулғаб оладиган мафтункорлик бўлмаганида, у ижтимоий адолатни барқарор воқелик, қадрият сифатида қалбida сақлаб келмасди[6]. Фалсафанинг ўзи ҳам мафтункор утопия сифатида ижтимоий онгни, кишилар субъектив фаолиятини, гносеологик қизиқишлигини ўзига жалб этиб келади, ундан дискурслар кўпроқ хаёлот маҳсулларидир. Мафтункор утопиялик фалсафада проектив изланишлар ва моделларни шакллантиради, келажак реаллаикдан ўзгача, ҳатто ундан аъло борлиққа айланади[7]. Ижтимоий давлатдаги утопик элементлар унинг тарихий анъанавий қарашлар билан уйғунлигини, у мавжуд тажрибаларни мутлақ рад этмаслигини, аксинча, ижтимоий онг, фалсафа ва кратолгик таълимотлардаги позитив қарашларни ўзида мужассам этишини кўрсатади. Платоннинг “Давлат” (эр. авв.360 йил), Форобийнинг “Фозил одамлар шахри”, Томас Морнинг “Утопия” (1516 йил), Томаззо Кампанелланинг “Қуёш шахри”(1623 йил), Ф.Бэконнинг “ Янги Атлантида” (1627 йил), Георг Невиллинг “ Пайнс ороли” (1668 йил), Эмилион Кабренинг “ Икарияга саёҳат” (11840 йил), Фридрих Шелонскийнинг “ Келажак дунёсида” (1895



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Nov., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

йил), Герберт Уэллснинг “Замонавий утопия” (1905 йил), Александр Казанцевнинг “Коинот Донкиходлари” ва “Минг йиллардан кейин” (1997 йил) асарларидаги ижтимоий адолат ғоялари ва мавзулари ижтимоий давлат концепциясининг назарий асослари сифатида қаралиши мумкин. Утопиянинг мафтункор ғоялиги унинг кишилар қалби ўйидан ўчмаслигига эмас, балки ижтимоий онгда қаердадир шундай давлат, жамият ва макон бор унга албатта етамиз, деган тасаввурнинг борлигидадир. Ушбу тасаввур кишиларни идеал давлат ва идеал жамият барпо этиш ўйи билан яшашга ундан туради.

Ҳар кимнинг ўз адолати ва ижтимоий адолат ҳақида тасаввурлари, тушунчалари бор. Аслида бу плюрализм, кишиларнинг ижтимоий борлик ва келажак ҳақидаги фикрлари бир бирлариникидан фарқ қилиши табиий ҳол. Плюрализмнинг борлиги эмас, балки, аксинча, унинг йўқлиги заарли. Бироқ ижтимоий адолат умумий тасаввур ва тушунчаларсиз мавжуд бўла олмайди. Плюралистик фикрлар пировард натижада умумий тасаввурларда уйғунлашуви керак. Ижтимоий давлат ўзининг ички сиёсати билан адолат ҳақида ана шундай умумий тасаввурларни шакллантиради. Ижтимоий давлат плюралистик ёндашувни рад қилмайди, улар устидан тотал назорат уйғотмайди. Плюрализм демократик қадрият сифатида ижтимоий давлатда ҳам мавжуд бўлади, аммо у умумий ижтимоий бирлик, ахиллик, ҳамкорлик талабларини устувор норма деб билади. Бу норма кўпинча қонунлар, хуқуқий қадриятлар тарзида келади, плюралистик фикрлар ушбу қадриятларга таянади.

Ижтимоий адолатни, шу жумладан, ижтимоий давлатни ҳам, ўрнатиш мумкин, деган фикр инсоният тафаккурида азалдан мавжуд. Демак, уларни қарор топтириш хаёл ўйинлари, утопия эмас. Тўғри, ижтимоий адолат ва ижтимоий далат тўла қарор топган давлат учрамайди, аммо уларнинг асосий тамойилларини, энг муҳим жиҳатларини илғор давлатларда кўришимиз мумкин. Масалан, қонун устуворлигини таъминлаш, демократик бошқарув институтларини жорий этиш, инсон хуқуқ ва эркинликлари учун кураш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, давлатнинг кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини қабул қилиши, шахснинг иш билан бандлиги, унинг зарур бўлганида давлатнинг моддий ёрдамини олиши, шахсий ҳаёти хавфсизлигининг таъминлангани кабилар шулар жумласидандир. Бу чора тадбирлар БМТ ва бошқа халқаро уюшмалар томонидан давлат ички сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида эътироф этилган. Мазкур йўналишлар бўйича давлатлар халқаро рейтинги аниқланади ва уларнинг келгуси йилларда бажарадиган ижтимоий ва хуқуқий вазифалари белгилаб берилади. Агар ижтимоий адолат ва ижтимоий давлат барпо этиш шунчаки ҳаёлий орзу, утопия бўлиб қолганида прагматизмга, ижтимоий амалий натижаларга қурилган АҚШ, Англия, Швеция, Германия, Франция,



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Nov., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Нидерландия, Хитой, Ҳиндистон, Япония ўзининг стратегик вазифаларини мутлақ бошқа сиёсий парадигмага қуришган бўларди. Ушбу илгор давлатлар эришган ютуқлар, ижтимоий адолатни қарор топтиришга қаратилган ички сиёсати демократик тараққиёт йўлига кирган бошқа давлатлар учун ибрат, намуна бўлаётганинг боисини энди англаса бўлади. Демак, ушбу фикр мулоҳазалардан икки хulosса келиб чиқади: биринчиси, ижтимоий адолат ва ижтимоий давлат келажакка қаратилган орзулар, хаёлий моделлар ифодасидир. Бу тасаввурлар инсониятни азалдан қизиқтириб, ўй хаёлларини банд этиб келади. Шу маънода уларга утопия сифатида қаралади. Бундан ташқари, мазкур моделларни реал воқеликка айлантиришга, объективлаштиришга инсоният тайёр эмас эди. Ижтимоий тарихий жараёнлардаги объектив ва субъектив омиллар идеал давлатни ва идеал жамиятни барпо этиш имконини бермаган, натижада моделлар шунчаки хаёлот маҳсуллари бўлиб қолаверган. Бугун инсоният, демократик ривожланишнинг мазкур босқичида, ижтимоий адолат ва ижтимоий давлатни барпо этиш учун объектив ва субъектив омиллардан самарали фойдаланиш имконига эга. Тўпланган сиёсий ва фалсафий - хуқуқий тажрибалар, билимлар уларни реал воқеликка айлантириш имконини беради. Шунинг учун ҳам ижтимоий адолат ва ижтимоий давлатни барпо этиш мумкин. Иккинчидан, инсоният ва фалсафий - хуқуқий билимлар ижтимоий адолат ва ижтимоий давлат ҳақида аниқ, илмий тасаввурларга эга. Энди ушбу тасаввурларни объективлаштириш йўлларини қидириш, давлатлар ва сиёсий институтларни, жамиятларни шу пайтгача орзу, тилак ва утопия бўлиб келган моделларни реал воқеликка айлантиришга йўналтириш даркор.

References

1. Платон. Государство. - Москва: Изд. АТ, 2022. С. 22.
2. Жўрақулов Ф., Қосимов Н. Ўзбекистонда давлат бошқаруви ривожланишининг тарихий ва замонавий асослари. Матн. - Тошкент: “Turon zamin ziyo”, 2016. 12 13 б.
3. Аристотель. Сочинения в четырех томах. Том 2. - Москва: Мисль, 1978. С.72.
4. Якунин В.И. Понятие и реализация справедливости в современной государственной политике. - Москва: “Эксперт”, 2012; Принципы социальной справедливости и их реализация в современном мире. Материалы международной научно практической конференции. - Москва: Гуманитарный университет, 2019.
5. Мудрецы Поднебесной. Симферополь: “Реноме”, 1998. С.140.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Nov., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

-
6. Кириллов А.И., Северова А.А. Социальная утопия из древности и до наших дней. - Москва: Изд. “Едитус”, 2022: Желтикова И.В. Утопия и философия. Учебное пособие. - Москва: “Директ Медиа”, 2021; Баталов Э.Я. В мире утопии. Пять диалогов об утопии, утопического сознания и утопических экспериментах. - Москва: Политиздат. 1989.
 7. (Желтикова И.В. Утопия и философия. Учебное пособие. - Москва: Берлин: “Директ Медиа”. 2021. С. 34-48.